

*(Тохир Маликнинг «Шайтанат» асари: эътикод ва ахлоқ)*

Хак Субхонаху ва Таъоло: «Шак-шубхасиз хидоят (яъни инсонларни Тўғри йўлга йўллаш) ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир» («Вал-лайл» сураси, 12-оят) деган. Насиб этган Истиклолнинг адабиётини-да хакбин, хакгўй килмок, хидоят ёгдусида буркамок Унинг иродаси биландир. Факат барчамиздан мудом якдил эзгу захматлар, ўзаро ибрат, даъват ва маслахатлар вожибдир. Йўкса, токи инсонлар ўзларини ўзгартирмагунча Аллох Таъоло уларни ўзгартирмаслиги хакидаги оламлар Парвардигори каломини унутган саналамиз. Хидоятли кечинмаларнинг, илгор-улугвор ўнгланишларнинг гоҳо ўзбек насрида ҳам содир бўлаётганлиги дилларни кувонтиради... «Шайтанат»нинг, асосан, яқунлануви боис овозаламок муносибки, ўзбекнинг ўзбекона, миллий детективи шаклланиши ёркин далилланди. Детектив бу гал муддаога жуда муносиб намоён бўлди. Оксаб, ўгай саналиб, турткиланиб, даккилар еб ва дардини ичига ютиб яшаган айни адабиёт тўйиб нафас олди. Янги даврнинг сўз санъатидаги шарофатини «Шайтанат» мисоли айрича пафосда тасдиқловчи, шарафловчи шукроналовчи унга монанд бошқа асар хозирча йўқ.

«Жахон дегективи» тушунчаси замирида ер юзи китобхонлари калбини ишгол этган ўнтача миллат насри намуналари бор. Уларнинг умумий ҳамда хусусий тарихлари мавжуд. Хар кайсисининг тажрибаси, хикоялаш мароми, беҳадик яралганлиги хавасимизни кўзгаб келган. Лекин уларнинг миллий хослигидан кўра умумий хослиги кўпдек, ёзувчиларининг карашларида бир-бирига ўхшашлик устувордек. Албатта, булар маълум маънода детективнинг ўз шарт-такозолари туфайлидир. Аммо мазкур адабий соҳа хусусидаги тиник тасаввурни лойкалашга сабабкор, ичида олди-кочдилару шахвоният гиж-гиж китоб окимининг жахоний детектив унвонига даъвогарлик илинжида дунё кезиб юрганлиги ҳам хеч кимга сир эмас.

Бизда-чи? Собик мустабид тузум миллий адабиётлар детектив йўналишининг тараккийсига иложи борича йўл бермай келди. Дахшатли иллату фожиаларнинг хур жамиятда «йўқ»лигини адабиётнинг «кулоги»га тинимсиз куйиб, зўр бериб уктириб турди. Онда-сонда битилган фош этувчан асарлар сиёсат зугумига учрар, соцреализм колипига лойиклари сал-пал ардокланар эди. Хаттоки, улкан мамлакатнинг йўлбошчи халки — руслар прозаси шу борадаги иштиёқини кўпроқ инкилоб, урушлар, чекистлик, разведка, шпионлик тарихи фонида овутмокка, шўро милициясининг кафолатланган голиблигини тараннум этмокка махкум килинганди.

Ўзбек детектив адабиётининг ривожи, ахвол-рухияси ҳам такрибан шу йўсинда кечди. Жараён анчайин кечикиб бошланди. Санокли адибларгина махфия мавзусидан сўз очишга ботиниб, журъатланиб юрди. Вокелик устидан рўй-рост бадиий ҳукм-хулоса чиқаришга ҳуқуқ бўлмади. Масалани «шонли» изкуварлар томонига ён босиб баёнлашдан ўзга чора хали-бери кўзга ташланмас, жиноятчиларнинг ҳам одамлар эканлиги адабиётнинг аклиги сигмасди. 60-йиллар аввалида ёзилган «Шохидамас, баргида...»

киссасининг адабиётдан қувгин килингани, бадииятининг бўшлигини холис танкид қилиш ўрнига, муаллифи (Искандар Каландаров)нинг «жаннатий жамият»га «ёт» иллатларни—ўғирликлар, котилликлар, номусга тажовузлар, порахўрликларни ёлгондан тўқиганликда айблангани адабиёт ахлининг хануз эсида.

«Шайтанат»нинг муаллифи эса ўз киссасини дадил бошлаб, кодириёна охангда шундай ёзади: «Хаёт —турфа ранг. Кўзни яшнатиб, дилга қувват бергучи чиройли ранглар ҳам, кўнгилни вайрон қилгучи қора ранг ҳам бор. Авваллари қора рангни ишлатишга бир томондан ижозат, иккинчи томондан журъат йўқ эди... Замон берган эркинликдан фойдаланиб, турмушимизнинг қора кўчаларига қиришга жазм этдим».

Мухтасар ушбу мулохаза-муқоясалардан мурод «Шайтанат»ни жаҳон детектив дурдоналари сафига шошиб кўшмоқ, улардан устун ҳисоблаш илинжи эмас. Балки уни каттақон ва шиддатли адабий тўлқин силсиласида тасаввур қилиб кўриш, ютуқларини таъминлаган муҳим омилларни, сифатини идрокламоқ, ҳолос. Тўғри, асарнинг имкон даражада маромини тополмаган нукталари, жузъий камчиликлари бор. Ўрнига тушмаган баъзи чўзикликлардан кўз юмиб бўлмайди. Бирок киссадан бирламчи ҳисса шуки, у ходиса мақомидаги детектив асар. Серфазилатлилиги туфайли ҳатто матни қаърида яшириниб қолган нуксончаларини осонликча ва ҳаммага ҳам сездиравермайди. Сезилганларини тез фурсат ичида унутдириб юбора олади.

Иншоимиз «Шайтанат»нинг билинар-билинмас, ошқор-ноошқор валекин бақувват ботиний фазилати—ёзувчисининг услуби, шаръий нуктаи назари, қахрамонларининг характер ривожи тўғрисидадир.

«Шайтанат» — санъатқорона ном-топилдик. У—катта-кичик махфия тўдаси ёки алоҳида жинойтлар дунёсинигина эмас, булардан фарқли одатий муҳитдаги турфа иллат, турфа қилгиликларни, яхши-ёмон деганимиз бандалар адашувлари сабабияти ва зимиятининг ноқисликларини қамраб аналита олгучи тушунча. Саргузашти кўламлашгани, саҳифалари интиҳога илгариллагани сайин асар ўз муҳлисларига сарлавҳа мантигини қойилмақом идроклата боради.

Юзақи қараганда, бевосита етакчи қора гуруҳлар ички турмушини муслимона нигоҳ билан қузатиш, шундай мушоҳада воситасида баёнлаш қулоғи қар одамга беҳуда ваъз — маъруза ўқимокдек туюлмоғи турган гап. Детективда сюжет кескин кечажақлигини, қизик-қалтис вазиятлар бисёр бўлажагини биладиган нозикдидларга асардаги майин ифода даставвал галати кўринса, ажабмас. Лекин четдан қарагучиларнинг бу янглиг ҳавотир, шубҳалари ноўрин. Шу маънода ёзувчининг ҳам қаловини топиб қорни ёқиш қасдига тушганини, нималарнидир мажбурлаб қелиштиришга зўриқшини кўрмайсиз. Чунки, неларқи чин инсонийликка зийнат ва ярашиқдир—улар муқомчиликка ҳам мувофиқдир. Нимаики инсон шаънига доғ-иллат ва бандани ақидадан оздиргучи бўлса, илло, исломият айнан ўшалардан қайтаргучи, оғохлантиргучидир. «... У пайгамбар уларни яхшиликка буюради, ёмонликдан қайтаради ва пок нарсаларни улар учун ҳалол қилиб, нопок нарсаларни уларга ҳаром қилади...» («Аъроф» сураси, 157-оят). Шундай эзгуликларига кўра дунё аҳволига исломият жорийси ёҳуд дунё манзараларига исломий муносабат кўп замонларнинг маънавий-маърифий тақомилини таъминлаган. Қуръон ва суннат тарозиси ижод мақсулларининг яшовчанлик салоҳиятини оширган, юксалтган. Ҳар қандайин иш-юмуш, саъй-ҳаракат, фасоҳат-ифодани Расулulloх (с.а.в.) суннатларига мос бошлаш анъанасини «Шайтанат» ҳикоячиси салқам юз йил соғинган

бадий тилга хос дийдорлашув билан фавкулома тиклаб юборади. Баённи Мехрибон ва Рахмли Аллох номи ила дадил бошлайди. Унга шукроналар билдириб, Ундан мададдар сўрайди. Шайтоннинг асл киёфасини очувчи «Иброхим» сурасининг 22-оятини, хазрати Яссавийнинг «Шайтон голиб, жон берарда шошдим мано» сатрини келтиради.

«Шайтанат» киссалари китоблари мукаддималарининг ўзига хос табиати кўнгилларимизга гўёки улуг алломаларимиз хамду наътлар билан бошлаган битиглар тароватини олиб киради.

«Шайтанат» ихлосмандлари, аслида, сахифаларга локайд бокмаётган бўлсалар-да, ёзувчи уларни «тинчитмайди». Чекинишлар килиб, ўқувчиларини завкли захматга — мушохадага чорлайди, уларнинг воқеаларга муносабатини сўраб-суриштиради. Идрокларини муайян ҳукм-хулосалар манзилига йўналтириб юборади. Ровий яна тинч караб турмайди. Дунёвий-исломий тафаккур тарзини баралла ифода этади. Шунингдек, ўқувчи биродарлари билан хар китобда мўъминларга хос саломлашмокни ва хайр-хўшлашмокни-да канда килмайди. Уч китоб мобайнида «Шайтанат» шайдолари ўзларининг адиб томонидан бағоят эхтиромланаётганини хислаб, кайфиятлари кўтарилади.

Шайтоний васвасаларни ўз ичига олган ходисалар гирдобини тасвирига носир исломий рух, характер ва эпизодларни аллакандай муқояса максидида атайлаб киритмайди. Ёхуд чин эътикод афзалликларини бўрттиришга, иймонга оид шахсий дард-даъватини такдим этишга ошиқмайди. Холбуки, унинг шундай адабий муболагага поэтик ҳукуки, иложи бор эди. Носир бешафкат ва жиддий ҳаққоният ифодасини танлагани учун шайтанат хамда исломият лавхаларига, буларнинг ўзари «муносабати» ахволига мавжуд воқеликнинг ўзидагидек меъёрда ёндашишга зўр бериб интилади.

Учала сюжетда хам Асадбек умри ва асадбеклар мухити тадрижи бош гоъвий-бадий мўлжал экани боис бош кадрият тасвирига доир тармокчалар вақти-вақти билан ўша асосий йўналишга туташади. Зимдан ифодада муаллиф шаръий қарашларининг маъқуллиги канчалик сезилмасин, вазиат бу ижодий жараён томон тамом огишиб кетмайди. Бунга реализм масъулияти йўл кўймаган. Колаверса, ҳеч бир гоъни сирли қолдирмай талқиннинг сиртига чиқариб юбориш, ўқувчига тағмаънолдр, ўй-муаммолар қолдирмаслик усулининг ўзини оқламаслдиғини адабиёт тажрибаси қайта-қайта исботлаган.

«Оятал курси»ни ёд ололмай, иккита кичик сура билан тирикчилик қилади»ган Каримуллага Асадбекнинг токати йўқ. Чунки чаламулла мутаваллининг таъмағирлигини, омонатга хиёнатини Асад сезган. Айни пайтда Каримулла — беор ва манфаат йўлида «хира пашша». Асадбекдан у-бу ундиришга келиб, ниятига эришади. Хар қандай инсон мураккаб. Инчунун, бу иккаласи хам. Аммо шу воқеаларда ўқувчи ваҳшатли қуч сардори—Асадбек мавқеини маъқуллайди.

Асадбек — Собитхон алоқасида киши олдинига (илк қисмда) улардан қай бирини ёқлашни билолмай туради. Икковидан хам қандайдир хатоликлар ўтаётганлиги фахмланади. Муносабатнинг давоми кизиктиради. Сюжетнинг бу тармокчаси тараккийси (иккинчи китоб) хаётий, ибратли ва таъсирли бўлиб, имонли шахснинг маънан голиблигидан нишона беради. Собитхон қори Каримулладан афзал—унинг тесқариси. Халқ орасида обрўйи баланд, илми қучли. Миллатпарвар ва ватанпарвар Собитхон имомлик қиладиган масжидга намозхонлар сигмай кетади. Унинг: «харом пулларга қурилаётган масжидда мен намоз ўқимайман» деган янглиш гапи Асадни газабга келтирган, «олифта имомча»ни бир эғиб қўяй деса, халқдан чўчиган. «Худо

имомлар орасида инсоф ва имон бобида басаломат бўлган Собитхонни ўз панохига олиб, Асадбек кахрининг тўлиб-тошишига йўл кўймади»

Кейинрок улар ярашишади. Хаста Собитхон ўша ножўя гапи учун ўз ихтиёри билан узр сўрайди. Рози-ризолик тилайди. Улар энди самимий суҳбатлашади. «Аллох дилингиз кулфини ўзи очсин», дейди Собитхон. Ажабланган, тагин жахлланган Асадбекка карата очик гапиради: «... Зинони, зулмни, харом ишларни тарк этмаган одам чин муслим бўла олмайди. Мен сизни мана бу йўлдан юринг, деб зўрламайман, менда бундай ҳуқук йўк. Менинг вазифам — айтиб кўйиш». Суҳбатда хар кайси характернинг ички табиати топиб чизилган. Киссада етакчи мавкедаги катта кутб — шайтанат ва кичик кутб — исломият вакиллари шундай ички идроклари ифодасига кўра табиийлик пайдо килади. Бадиий рўй-ростлик хамиша мушкул, хамиша беаёв. Бу ўлчовга ёзувчи воқеа, дуиёкараш, қисматлар такомилли тасвиринигина эмас, ўз туйғу, тугён, эхтиросларини ҳам аямай бўйсундиришга мажбур. Марказий образ манфур тўда бошлиги бўлса-да, яширишнинг хожати йўк, ёзувчининг унга нисбатан пинхона меҳрли муомала-муносабати, рағбат-насихати бор. Аммо характер мантигининг, ирода йўналишининг табиий оқими адиб хайрихоҳлигининг ошқора товланишига изн бермайди. Насрий муваффақият учун, энг аввало, ана шулар керак эди. Шунинг натижаси ўларок Асадбекка ачиниш, унга хайрли кўникиш, баъзи масалаларда уни ёктириш хисси китобхонга юқади. Чинакам рухият кўринишига тугал ишонтира олмокнинг накадар сирли санъат эканлиги шунда билинади.

Масалан, бирор банданинг иккинчи банда дилига хидоят багишлашга ноқодирлиги хақиқати Асадбек мисолида шубҳа-гумонларга ўрин қолдирмайди. Нодон Қаримуллага унинг беписандлиги изоҳларсиз тушунарли. Лекин у ўтқир имонли инсон Собитхон қори ўғит-насихатига ҳам қоқайд, беқарво. Муслима Манзура эрининг масжид қурдираётганидан гоётда хурсанд. Шунга қарамай, Асадбекнинг феъллида иймоний ўзгариш кўрмайди, хафаланади. Манзура эрининг олдида хадеб худони тилга олишдан хадиқсирайди. Чунки Асадбек бундай деган: «Худодан кўркиб бўлганман. Худо менга аталган ёмонликни бериб бўлган. Мен ёмон эканманми, бунга Худонинг ўзи айбдор. Мен ҳам одамларга ўхшаб ота-онаминг бағрида яшаганимда бунақа бўлмасдим. Меҳрга зор холда ўстириб, энди мендан меҳр талаб қиладими?»

Асадбек-ўзгармас. Асадбекни ҳеч қим — на илми чуқур Собитхон, на чапани дўсти Жалил, на хотини, художўй Манзура, на хорижлик доктор Худоёр... на ёзувчи хидоятга қелтира олади. Уни намозга, халол йўлга даъват қилишлар деярли беҳуда кетади. Начора... Фанода ҳеч бир улгайган қас эса ҳақ гапларни эшитмасдан, тўғри йўл борасидаги даъватга дуч қелмасдан яшаб ўтмайди.

Тақвога эндиғина қиришган Жалил қадрдони Асадбекни иймонга қелтиришга, фарз амалларни бажаришга данғалига даъватлаб кўради:

« — Пули кўпнинг ақди қамрок бўларқан. Худо сенга бойлик бердимми—берди. Обрў берди, хуллас, нимаики хоҳласанг, ҳаммасга ш берди. Эвазига битгагина иш буюрди, шуни қилмайсан, а?

— Нима иш?

— Намоз ўқиш-да! Ўқисанг ўлиб қоласанми?

- Вақти-соати келар.
- Маокид курдирганинг нимаси-ю, ўзинг намоз ўкимаганинг нимаси?
- Ишинг бўлмасин, дедим».

Шайтанат гирдобиди яхшилар, иймонлилар нима килиб юрибди, деган таажжубланиш, шубхасиз, китобхонда рўй бермайди. Иймонлилар киссага тасодифан ташриф буюрмагани каби даъватлаш ҳам муаллиф тўкиб чиқарган уйдирма эмасдир. Муслмончилик мавжуд жойда ҳар қандай шайтоний амал, ҳаракат ва хаттоки шайтоний ўй-фикрга нисбатан раддия, бинобарин, буюрилган эзгуликларга ва макбул эътиқодга даъваткорлик, албатта, зохир бўлади.

Асадбекка айтилмиш панд-маслаҳатлар «деярли беҳуда кетади», деганимиз бир қадар нисбий ҳулоса эса-да, айнан шу хусусиятнинг унга жиддий ҳаққоният бағишлагани бағоят рост. «Шайтанат» ровийсининг баёндаги инон-ихтиёри реализм аталмиш олтин қонунда эмас, билъакс бутунлай ўзида бўлганида, эҳтимол бош қахрамонининг диёнатини дархол бутлаб қўйган бўлар эди. Не ажабки, турмушда қимнидир хидоятлаш, иймону тавфиққа келтириш бандасининг қўлида бўлмаганидек, бадиият ичидаги тимсол маънавиятини исталган кезде поклаб ё ўнглаб юбориш ҳам ёзувчининг (агар у чин иқтидор соҳиби бўлса) имқонидаги осон иш эмас экан.

Асадбек - ўзгарувчан. Ҳаётда ҳаракатдаги инсон, адабиётда ҳаракатдаги қахрамон у ёки бу томонга ўзгармасдан қолмайди. Асадбек ҳулқ-атворининг йўналишидан қутгштамиз бурилишлар қугмаганимиз сабабларга қўра юз беради. Бу жараён баногоҳ эмас, анчайин охиста кечади. Ўткиргчи тирикликда ҳар нечук баракот — синов, ҳар нечук мусибат — синов. Ҳамма нарса — имтиҳон. Имтиҳонлар айни вақтда ақидани (ҳақ йўлни) танишга, иймонни мустаҳкамлашга қорлов ҳамдир. Синов — муейбатларнинг Асадбек жуда қўпини қўради. Худди шу ходисаю ҳолатлар тузалишининг туб омиллари бўлиб, характерга ҳаётийликни муҳрлаган далиллар бўлиб юзага чиқади. Табиийки, инсоният тажрибасида укубат имтиҳонларининг баъзан даъватлар натижасига қараганда самаралироқ бўлиши тасдиқлаган.

Нихоят, Асадбекда зимдан етилиб келган, очик қўринмаслиги билан ишонарли чиккан инжа бир маънавий тадрижи бемалол таъқидламоқ жоиз. Гап шундаки, турли-туман вазиятларда: динга доир «бахс»ларда, даъватларга муносабатда, ҳаёл-кечинмада, ёзувчининг шарҳларида, хатти-ҳаракатларда характернинг сезилар-сезилмас даражада ўзгаришга мойиллашиб бориш жараёни қузатилади. Асадбекнинг барча аҳволотини тартибан қетма-қет ва тақроран тасаввур этилса, тадриус чизигининг донишона ва санъатқорона белгиланганлиги яхшироқ фаҳмланади. Буни жонли қахрамонда хидоятга мойилликнинг тугилиш ҳамда шаклланиш завқи-азоби, дея таъбирламоқ, балки ўринли бўлар. Қуйида мазкур узундан-узук жараён тасвиридан айрим мисолларнигина қўчириб, ич-ичдан кечаётган ўзгариш лаҳзаларини қиёсан қузатайлик:

«Худодан қўркиб бўлганман... Мен ёмон эканманми, бунга Худонинг ўзи айбдор»; «... агар берган бойликларинг эвазига тинчлигимни олган бўлсанг, мени гадо қил, аммо болаларимнинг бахтини бер, бир кеча тинчгина ухлай»; «... отасига жаннатдан жой тайин этиш учун жаноза ўқиб қўйиш, албатта, зарур, деган қарорга қелди. Шунга ақли етган дўстини қучиб олгиси қелди»; «Тўйиб-тўйиб нафас олишга зор бўлиб ўламан ... Домла ақл ўргатади: пенсияга чикқандан кейин намоз ўқийман деб қутманглар, мана бу биродаримиз ҳам пенсия ёшига етмабдилар, ... дейдими?»; «Худо сени синаётган эди».

«Авваллари ҳам азон товуши эшитилармиди, йўкми, эслолмади. Кейинги тунлари шу товушни орзикиб кутадиган бўлди»; «Мен... намоз ўқимасам ҳам, Худодан кўркадиган инсонман...»; «Намозхонлар турса — турди, рукуга борса, руку килди, саждага бош кўйишганда у ҳам жойнамозга бош кўйди»...

Шундагина кўнглида ажиб ўксиниш уйгонди. Зое кетган умрига ачиниб, бўзлагиси келади. Аммо «булутлар орасида кўринган кўёш»ни ушбу суратда хотималаш ёхуд холатнинг ўсишини тезлатиб юбориш анойилик ва ёлгончилик бўларди. Бундай ниҳоя ахлоқнинг бетакрор чизилган ривожини барбод этиши мумкин эди. Одатда, ижодий юмуш якунида гупуриб келувчи хаяжонга ёзувчи гўзал совукконлик ила пешвоз чиқади: «...ибодатни ихтиёр этган одам, хасталиги чекина боргани сайин яна асл холига қайта бошлади»; «Уйга боргач, хар куни масжидга чикаман», деган қарорга келган Асадбек ахдига вафо килмади, ўз ташвишларига берилиб кетди».

Тўғридан-тўғри исломиятга тегишли тармоқчалар тафсилоти ўз тўхтамлариини шариатга мос ҳукм-шарҳлардан топади. Чунончи, Собитхон қори гапида янглишди — муслимона одоб ила ўзи тузатди. Худди шундай, ношаърий яшашларнинг ечимларини ҳам асарда шаърий қоидалар таъминлаб беради. Бунинг Асадбекдан кейинги ёрқин мисоли Элчиндадир. Умрини Ноиласининг қасослари қасдига қурбон қилган Элчин интихода ҳаёлан хотини рухининг беаёв ҳукмини эштади: бу не фожиаки, Ноиласи миннатдор эмас, аксинча, Элчин юриб бўлган қонли йўлдан қорози!

«Шайтанат» муаллифининг шаърий дилнигоҳи тасвирнинг барча-барча жабҳасини қамраб олади. Ҳеч бир воқеа, ҳеч бир қисмат, ҳеч қайси кечинма, мушоҳада, гайбий тасаввур, хотима-ечим бу нуқтаи назардан четда қолмайди. Оятлар, ҳадислар, тушлар, ривоятлар, шеърий парчалар ҳам ҳам бўлиб шу руҳни асарқимнғ ягона жозиба қонуниятига айлантиради. Бу руҳ муайян умумлашмаларга ҳам зийнат, тароват бахш этади: «Одам адолат қилмоғи учун мусулмон шева бўлиши шарт. Ҳақ йўлида туриши керак, юрагида иймон нури, тилида Аллоҳнинг зикри бўлиши керак». «Агар ўзбеклар тўпланиб, тўй-маърака ошига ошиққанлари қаби имонга ошиққанларида эди, мустақилликка шубҳасиз эришардилар. Улуг Туркистонни фақат имон бирлаштиради». Ваҳоказо.

«Шайтанат» дай кечаги қуннинг зўравон ва сертахлика мухитини ёритувчи қиссада вазмин-андишали оҳангни, қизикарли саргузашт-кечинмалар тизимини қуйма тарзда яратиш учун ибрат берган миллий адабий мактаб ҳам бор. Асар услуби бу ҳолни пинҳон сакламайди: Қодирий тажрибасидан нечоғлик баҳрамандлигини аён қилиб туради. Қиссадаги Зайнаб ўйлари, унинг ўз исми хусусидаги қалб мижролари, Қумуш бўлмоқни орзулаши, қисматида Қодирий Зайнабига ўхшаш-ноўхшаш жихатлар қўплиги, қиз тасвиротида услубнинг қодириёналашуви ижодий таъсирнинг моҳирона аломатларидир. Айни таққос-ифодани шартли равишда ибратланишнинг зоҳирий шакли деб қабулламоқ маъқул. Энг муҳими эса бутун ифода мобайнида «Ўтқан қунлар» шаръий маданиятининг, ундагидек сюжетга самимий «аралашув»нинг, «аралашув»да воқеалар табиий оқимида путур етказмаслик маҳоратининг янғича хусусий услубда рўёбга чиқиши жозибалидир. «Шайтанат» — серқирра сюжетли улкан миллий қисса. Каттаю қичик талашиб мутолаа этаётган бестселлер. Унинг таҳлил-тадқиқотга асослар берувчи, баҳс-мунозара қўзғатувчи хусусиятлари анчагина. Асар пафосини юксалтирган аниқ сифатлардан бири эса безовта адиб услубидир, тушунтириш манерасидир.

«Шайтанат» ўзбек детектив адабиётидаги янғичалиги билангина эмас, мазкур

фазилатлари оркали эндиги насримиз диққатини хидоятли ифодаларга чорлаши билан ҳам эътиборга лойикдир.

Хидоят сари босилган кадамлар завол билмайдилар, изларини колдирадилар. Излар эса эргаштиради ва сафлар кенгаяди. Хидоят йўлидагина хар турли адашувлардан кутулиб яшамок, нажот топмок мумкин. Токи киёматга кадар адабиётга хидоятланган ижодкорлар сув билан хаво мисоли зарур. Негаки бундай ёзувчилар ижоди сўз санъатининг ҳам хидояти демакдир. Яратганнинг ризолигига, севгисига муяссар яшамок саодатининг беназир йўли шудир. Кидоятли, шаърий ниятли, иймонли истиклол адиблари ва адабиётига саломлар бўлсин: вассалому алайкум ва рохматуллохи ва баракатух.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1998 йил 30 октябрь.